

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ДИҚҚАТ, ЯНГИ ҲУЖЖАТ!

Вазирлар Маҳкамасининг 31.07.2013 йилдаги 213-сон қарори билан Автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

АВТОМОБИЛЛАРНИ САҚЛАШГА ДОИР ҚОИДАЛАР ЯНГИЛАНДИ

ВМнинг 5.04.2010 йилдаги 63-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом ўз кучини йўқотди.

Автомобиль эгалари учун энг муҳим ўзгариш шундаки, аввалги Низом автотранспорт воситаларини уларни аниқ эгаларига бириктирилмасдан фақат вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилар эди.

Янги Низом автототранспорт воситаларини сақлаш жойларини автототранспорт воситаларининг аниқ эгаларига бириктирган ҳолда уларни доимий ва вақтинча сақлаш бўйича пуллик асосда кўрсатиладиган хизматларни назарда тутди. Тасдиқланган Низом автототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш, шунингдек хизматлар кўрсатиш талабларини пухта тартибга солади.

Авваллари бўлганидек, автототранспорт воситаларини сақлаш хизматларини кўрсатиш бўйича хизматлар фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Доимий сақлаш жойлари, хусусан, уй-жой мавзеларидаги бузиб ташланган якка тартибдаги гаражлар ўрнида ташкил этилади. Низомда автототранспорт воситалари эгаларининг якка тартибдаги гаражлари бузиб ташланган тақдирда уларга автомобиль воситаларини доимий сақлаш бўйича уй-жой мавзеларидаги бузиб ташланган якка тартибдаги гаражлар ўрнида ташкил этиладиган автомобиль тўхташ жойида доимий равишда бепул бериладиган жой берилиши белгиланган.

Автотранспорт воситаларининг эгаларига доимий бириктирилган вақтинча сақлаш жойларида улар эгасининг уй манзили ва транспорт воситасининг давлат тартиб рақами ёзилган табличка ўрнатилган бўлиши керак.

Автомототранспорт воситаларини доимий сақлаш учун тўлов миқдорига келсак, у сақлаш

бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахс ва автотранспорт воситасининг эгаси билан тузилган ёзма шартнома асосида белгиланади. Тарифлар хизматларни кўрсатувчи юридик шахслар томонидан белгиланади, лекин тўловлар халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан хизматларнинг ушбу тури учун белгиланган тўловнинг чекланган миқдоридан юқори бўлмаслиги керак.

Доимий сақлаш жойларидаги бўш ётган ёхуд вақтинчалик фойдаланилмаётган жойлар автотранспорт воситалари эгалари билан келишган ҳолда уларни вақтинча сақлаш учун берилиши мумкин.

Транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси ва пластик картчалардан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалига эга бўлишлари керак.

Бундан ташқари, ҳудудда, шу жумладан 300 та ва ундан кўп тургун савдо шохобчаларига ва савдо ўринларига эга бўлган ёндош бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида автототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш хизматлари кўрсатилган тақдирда автотранспорт воситаларининг кириб келиш ва чиқиш кетиш вақтини қайд қилиш функцияларини бажарадиган электрон ҳисоблагичлар мажбурий тартибда ўрнатилади.

Янги Низомга мувофиқ транспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар қатъий белгиланган солиқ ва тегишли йиғимни тўлайдилар. Автотранспорт воситасини доимий сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар эса ягона солиқ тўлови ёхуд умумбелгиланган солиқларни тўлайди.

Янги Низомга биноан қуйидаги транспорт воситалари доимий ва вақтинча сақлашга қабул қилинмайди:

- ёқилғи ёки мой, суюқ ва суюлтирилган газ сизиб турган;
- салони ёки багажникида тез ёнувчи, портлаш хавфи бўлган, радиоактив ёки заҳарли моддалар бўлган;

- йўл-транспорт ҳодисаси натижасида техник жиҳатдан шикастланган автототранспорт воситалари (бундай автолар ЎзР ИИВнинг ДИХХХдан тегишли маълумотнома тақдим этилган тақдирда сақлаш жойларига қўйилиши мумкин);

- энг юқори вазни 3,5 тоннадан ортиқни ташкил қиладиган ва ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари, ўтириш жойлари сони 8 тадан ортиқ бўлган транспорт воситалари (мазкур автотранспорт воситалари улар учун назарда тутилган махсус автомобиль тўхташ жойларида сақланиши керак).

Мижоз учун қулай бўлган кириб келиш жойида қуйидагилар осиб қўйилиши керак:

- автототранспорт воситаларини сақлаш қоидалари;
- ёнғин хавфсизлиги талаблари;
- автототранспорт воситаларини қабул қилиб олиш ва сақлаш учун масъул шахсларнинг вазифалари;
- кўрсатиладиган хизматлар учун амалдаги тарифлар;
- юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси.

Автомототранспорт воситаларини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар санитария нормалари ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилиши, автототранспорт воситаларининг сақланиши, шу жумладан уларни доимий ва вақтинча сақлаш вақтида, яъни улар эгаларига (ёки уларнинг вакиллари) қайтарилгунгача ёхуд улар мажбурий равишда махсус автомобиль тўхташ жойига эвакуация қилингунгача рўй берган автомобиль воситаларининг олиб қочиш кетилиши, ўғирланиши, қисмларга ажратилиши ва шикастланиши учун жавоб берадилар.

Автомототранспорт воситаларини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахсга зарар етказилган тақдирда автототранспорт воситасининг эгаси (ёхуд унинг вакили) етказилган зарар учун жавоб беради.

Елена ЕРМОХИНА,
эксперт-юристимиз.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



КОРЕЯДА ҚОНУНИЙ АСОСДА ИШЛАШ

Президентнинг 1.07.2013 йилдаги ПҚ-1993-сон қарори билан 2012 йил 13 декабрда Ўзбекистон ҳамда Корея меҳнат вазирликлари ўртасида имзоланган Англашув меморандумини ижро этиш борасида меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тасдиқланди.

Фуқароларни юбориш бўйича ваколатли орган этиб Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги белгиланди.

Ҳужжат билан солиқ ва божхона имтиёзлари тақдим этилди. Бандликка рухсат бериш тизими бўйича ўтказиладиган тест синовларида қатнашганлик ва кўникмаларни баҳолаганлик учун тўланадиган фуқароларнинг маблағлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиққа тортилмайди. Улар Корея инсон ресурсларини ривожлантириш хизматининг даромади ҳисобланади.

Меморандумни амалга ошириш доирасида тест ўтказиш ва меҳнат мигрантларининг кўникмаларини баҳолаш учун олиб кириладиган тест материаллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинади.

Корея Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлиги ҳамда Корея инсон ресурсларини ривожлантириш хизматининг Меморандумни амалга оширишда қатнашувчи ходимлари учун консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмаган ҳолда кириш визалари расмийлаштирилади. Шунингдек мазкур тоифадаги шахслар учун давлат божини ундирилмасдан кўп марталик визалар берилади ва муддати узайтирилади, вақтинча рўйхатдан ўтказилади ва унинг муддати узайтирилади.

ИМПОРТ БОЖИ СТАВКАЛАРИ МАҚБУЛЛАШТИРИЛДИ

Президентнинг 22.07.2013 йилдаги ПҚ-2008-сон қарори билан Президентнинг «Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (5.08.2009 йилдаги ПҚ-1169-сон) амалдаги қонун меъёрларини унификация қилиш ҳамда уларни импорт божини ставкалари мақбуллаштириш тўғрисида қабул қилинган қарорларга мувофиқлаштириш мақсадида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Импорт божхона божлари ставкаларига киритилган ўзгартиришлар 64 товар гуруҳига дахл қилди. Уларнинг тўлиқ рўйхатини norma.uz сайтида кўришингиз мумкин.

БАНКЛАРДА ҲИСОБГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЭКСПОРТ КОНТРАКТЛАРИ РЎЙХАТИ КЕНГАЙТИРИЛДИ

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 11.07.2013 йилда 954-7-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қарорга кўра «экспорт контракт» ва «экспортчилар» атама-ларига тузатишлар киритилди. Ваколатли банкларда ҳисобга қўйилиши лозим бўлган экспорт ва бартер контрактларнинг рўйхати кенгайтирилди. Илгари республика товар-хом ашё биржаларида хорижий валютада; товарларни қайта ишлаш; товарларни чет эл-даги корхоналарга етказиб беришга, шу жумладан консигнация асосидаги; ҳукуматлараро келишувлар бўйича товарларни етказиб беришга доир контрактлар ҳисобга қўйилар эди. Ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан мазкур талаб қуйидаги контрактларга татбиқ этилади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш назарда тутилган ўзида ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб беришга норезидентлар билан хорижий валютада тузилган; халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, хорижий давлатлар ҳукуматлари, бошқа норезидентларнинг хорижий валютадаги маблағлари ҳисобидан

ИШОНИНГ, ЛЕКИН ТЕКШИРИНГ

Мен акциядорлик жамиятининг озроқ миқдордаги акциялари эгасиман. Кейинги вақтда бош директор акциядорлар умумий йиғилишини хабардор қилмасдан ва унинг ижозатисиз, ўзи манфаатдор бўлган йирик битимларни жамият номидан тузаяпти деб шубҳаланаяпман.

Жамият раҳбариятидан мени қизиқтираётган давр учун акциядорлик жамияти тузган барча битимлар бўйича шартномаларни сўраб олишим мумкинми?



7-бетда

2-бетда

1-бетда

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича халқаро тендерлар натижалари бўйича мамлакатимиз корхоналари - товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарувчилар томонидан тузилган барча экспорт ва бартер контрактлари ҳисобга қўйилиши керак.

Агар тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга мувофиқ келган ва контрактга идентификация рақами бериш ва уни банкда ҳисобга қўйишга доир зарур таомиллар бажарилган бўлса, у дарҳол Ташқи савдо операцияларининг ягона ахборот тизимида киритилади, контракт асл нусхаси эса экспортчига қайтарилади. Энди контрактга идентификация рақами берилишини расмийлаштириш ва бу ҳақда маълумотномани тақдим этиш керак эмас.

Ҳужжатга мувофиқ ваколатли банкда экспорт ва бартер контрактлари ҳисобдан чиқариладиган ҳолатлар рўйхатида тузатишлар киритилди. Хусусан, ҳисобдан чиқариш куйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) экспортчининг мурожаати асосида;

дебиторлик ва кредиторлик қарзлар мавжуд бўлмаганда ҳамда экспорт ва бартер контрактлари бўйича мажбурий сотиш белгиланган тартибда амалга оширилганда;

фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ даъво муддати ўтган кредиторлик қарзи корхона даромадларига ҳисобдан чиқарилганда;

контрактлар бўйича йиғмажилдлар бошқа ваколатли банкларга қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида топширилганда;

б) контракт банкда ҳисобга қўйилган санадан бошлаб бир йил ўтгач, агар бу муддат ичида тўлов амалга оширилмаган ва товар (иш, хизмат) экспорт қилинмаган бўлса;

в) судларнинг ҳал қилув қарорлари бўйича;

г) экспортчи корхона тугатилганда;

д) хориждаги корхона манзилига олиб чиқилган ва транспортда ташиш ёки сақлаш жараёнида ёхуд экспортчи ва хориждаги корхонага боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра яроқсиз ҳолга келган товарлар бўйича, тегишли ваколатли орган экспертизаси далолатномаси ва (ёки) товарлар жойлашган мамлакат божхона органининг улар божхона назорати остида йўқ қилинганлиги ҳақидаги тасдиқномаси асосида;

е) қайта ишлашга доир экспорт контрактлари бўйича товар етказиб берувчидан хорижий валютадаги тушум тўлиқ ҳажмда келиб тушганидан (хизматларга пул маблағлари билан ҳақ тўлаш шартлари белгиланган экспортлар бўйича), белгиланган тартибда мажбурий сотиш амалга оширилганидан, шунингдек тасдиқловчи ҳужжатлар (божхона юк декларациялари, бажарилган ишлар далолатномалари нусхалари ва ҳ.к.) асосида тегишли ҳажмларда қайта ишлаш маҳсулотлари «экспорт» божхона режимида олиб чиқилганидан кейин.

Шунингдек, экспорт контрактлари бўйича товарлар етказиб беришни амалга оширувчи экспортчилар контракт ҳисобга қўйилган ваколатли банкка ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномаси ва/ёки контракт бўйича шерик олдидаги ўз мажбуриятларини бажарганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар нусхаларини тақдим этадилар.

Ҳужжат билан яна бир қатор ўзгартиришлар киритилган.

СУҒУРТАЛОВЧИЛАРГА НИМА УЧУН ВА ҚАНЧА ЖАРИМА СОЛИНАДИ

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни

ривожлантириш давлат қўмитасининг қарорига (АВ томонидан 22.07.2013 йилдаги 1842-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритилди.

Суғурталовчи томонидан масъул шахсларнинг рўйхатини ҳамда ўзининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича фаолияти тўғрисида ҳисоботни Молия вазирлигига тақдим этиш муддатларига риоя қилинмаган тақдирда жавобгарлик белгиланди. Мазкур ҳужжатлар тегишинча ҳар йили 10 январгача ва 1 февралгача тақдим этилиши лозим (Суғурталовчилар ва суғурта воситачилари учун Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари (АВ томонидан 3.11.2009 йилда 2036-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 8 ва 15-бандлари). Энди уларни ўз вақтида топширмаганлик учун суғурта ташкилоти қонун ҳужжатларида белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,05 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Шунингдек куйидагилар учун устав капитали энг кам миқдорининг 0,09 фоизи миқдорида жарималар ҳам жорий этилди:

суғурталовчида у ваколат берган суғурта агентларининг реестри мавжуд эмаслиги;

қабул қилинган пул маблағлари ва мажбуриятларининг миқдорлари ҳақидаги ахборотни, шунингдек бошқа ахборотни Молия вазирлиги ўз ваколати доирасида талаб қилганда тақдим этмаслиги;

суғурталовчи ўзининг фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган манзили ўзгарганлиги ҳақида суғурта қилдирувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали, ўз ижросидаги 1 йилдан ортиқ муддатли суғурта шартномалари бўйича эса ёзма равишда хабардор қилмаслиги;

суғурталовчи томонидан мажбурий аудиторлик текширувидан ўтмаслиги;

суғурталовчи томонидан йилига бир марта - ҳар бир молия йили тугаганидан кейин 6 ой давомида молия йилидаги фаолият яқунлари бўйича актуар ташкилотни актуар текширувини амалга ошириш учун жалб этмаганлиги;

суғурта товонини (суғурта пулини) тўлашни асоссиз рад этган тақдирда. Бунда суғурталовчининг рад этиши асоссиз деб, суғурта қилдирувчининг (наф олувчининг) аризасига мувофиқ суд томонидан эътироф этилади.

Президентнинг «Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида» қарорининг (31.05.2011 йилдаги ПҚ-1544-сон) 1-бандига мувофиқ суғуртачилар учун устав капиталининг энг оз миқдорлари 2014 йил 1 июлга қадар куйидаги эквивалентни ташкил қилади:

умумий суғурта соҳасида - 1 125 минг евро;
ҳаёти суғурталаш соҳасида - 1 500 минг евро;
мажбурий суғурталаш бўйича - 2 250 минг евро;
фақат қайта суғурталаш бўйича - 5 000 минг евро.

ЛОЙИҲАЛАШТИРУВЧИЛАРНИ ЎЗИНГИЗ ТАНЛАНГ

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи (АВ томонидан 12.07.2013 йилда 2411-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тадбиркорлик субъектларининг электр қурилмаларини электр тармоқларига «бир дарча» тамойили бўйича улаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ҳужжатда истеъмолчи лойиҳа ишларини «бир дарча» хизмати орқали амалга ошириш истагини билдирган тақдирдагина, унга талабнома берилган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмаган муддатда истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш учун техник шартларни бериш билан бир вақтда лойиҳа ташкилотларининг лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича шартномалар лойиҳалари тақдим этилиши белгилаб қўйилган.

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси томонидан лойиҳани кўриб чиқиш ва келишиш муддати у тақдим этилган кундан бошлаб куйидаги муддатлардан ошмаган ҳолда амалга оширилади:

кучланиши 1 кВ гача ва қуввати 10 кВт дан юқори бўлган электр қурилмалари учун - 3 кундан (илгари - 3 иш куни эди);

кучланиши 6 - 10 кВ бўлган электр қурилмалари учун - 5 кундан (илгари - 5 иш куни эди);

кучланиши 35 кВ ва ундан юқори бўлган электр қурилмалари учун - 7 кундан (илгари - 7 иш куни эди).

Шунингдек, истеъмолчининг электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш ишлари амалга оширилган куни «бир дарча» хизмати томонидан унга техник шартлар, лойиҳа, ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш наряди, электр таъминоти шартномаси тақдим этилади.

ОН-ЛАЙН ОРҚАЛИ ҲИСОБОТ БЕРИЛАДИ

Давлат рақобат қўмитасининг қарорига (17.07.2013 йилдаги 2223-2-сон) мувофиқ «Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Устав фондида (капиталида) давлат улуши бўлган, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва санация қилинаётган хўжалик юритувчи субъектлар Қўмита ва унинг ҳудудий органларига молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни электрон кўринишда Интернет тармоғи орқали тақдим этадиган бўлдилар. Ҳисобот турлари ва уларни тақдим этиш муддатлари аввалгидек қолдирилди.

Қарор билан бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилди.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристларимиз Елена ЕРМОХИНА ва Сардор ЖУМАШОВ тайёрладилар.

МДҲ ВА БОЛТИҚБҲҲИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	5.08.2013	1	0,7845	1	1,0413	1	0,0239
Арманистон	2.08.2013	1	410,11	1	541,84	1	12,40
Беларусь	6.08.2013	1	8890,00	1	11810,00	1	270,50
Грузия	5.08.2013	1	1,6648	1	2,1990	100	5,0299
Қозоғистон	5.08.2013	1	153,75	1	203,13	1	4,65
Қирғизистон	6.08.2013	1	48,9571	1	64,0444	1	1,4889
Латвия	5.08.2013	1	0,532000	1	0,702804	1	0,016100
Литва	6.08.2013	1	2,6023	1	3,4528	1	0,079059
Молдова	5.08.2013	1	12,7032	1	16,7688	1	0,3838
Россия	6.08.2013	1	32,8811	1	43,6628	—	—
Тожикистон	5.08.2013	1	4,7679	1	6,1240	1	0,1486
Украина	5.08.2013	100	799,3000	100	1055,3158	10	2,4150
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 6 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1872,86	1 Польша злотийси	662,77
1 Англия фунт стерлинги	3223,55	1 СДР	3183,52
1 Дания кронаси	376,03	1 Туркия лираси	1095,26
1 БАА дирҳами	574,94	1 Швейцария франки	2271,11
1 АҚШ доллари	2111,45	1 ЕВРО	2799,25
1 Миср фунти	301,82	10 Жанубий Корея вони	18,94
1 Исландия кронаси	17,80	10 Япония иенаси	213,69
1 Канада доллари	2030,83	1 Россия рубли	63,79
1 Хитой юани	344,63	1 Украина гривнаси	264,16
1 Малайзия ринггити	651,68		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган

УШБУ
СОНДА:

● ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Автомобилларни сақлашга доир қоидалар янгиланди
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси

1-2-бетлар

● БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

- Иссиқлик узатишга доир «қайноқ» саволларга тезкор жавоблар
- Машина билан боғлиқ машмашалар
- Ширкатни прокуратура текширади
- Ўзбошимчалик учун тўлиқ жавоб берасиз!

3-6-бетлар

● ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

- Ишонинг, лекин текширинг

7-бет

● ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ

- Ғўдакнинг отаси ким?
- Садқаи ота...

8-бет



МУНДАРИЖА:

- Иссиқлик узатишга доир "қайноқ" саволларга тезкор жавоблар
- Тўламаслик ҳуқуқи
- Машина билан боғлиқ машмашалар
- Деразамнинг тагида бир тўп...
- Ширкатни прокуратура текширади
- Ўзбошимчалик учун тўлиқ жавоб берасиз!

Расмий жавоб

ИССИҚЛИК УЗАТИШГА ДОИР «ҚАЙНОҚ» САВОЛЛАРГА ТЕЗКОР ЖАВОБЛАР

Уй-жой-коммунал соҳа амалда ҳар бир шаҳарликни ташвишлантиради. Таҳририятга тез-тез иссиқ сув таъминоти ва квартиралардаги иситиш тизими учун ҳақ тўлаш, иссиқ сув сифати, ҳисобга олиш асбоблари тўғрисидаги саволлар билан мурожаат қилишади. Таҳририят тушунтиришлар олиш учун «Тошиссиққуввати» ИЧБ УКга мурожаат қилди.


Истеъмолчиларнинг вазиятларини «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК бош директори Абдунаби Абдуқодирович НУРМУХАМЕДОВ шарҳлайди.

? Белгиланган намунадаги ҳисоблагичга эга бўлган истеъмолчи иссиқ сув учун ҳақ тўлашни 3 ойга кечиктирди. У «Тошиссиққуввати»га қарзни узиш мақсадида мурожаат қилганда ундан тўловни ҳисоблагич кўрсаткичлари бўйича олишдан бош тортиб, оилада яшовчиларнинг сони бўйича суммани ҳисоблаб ёзганлар. Шундай қилиш тўғрими? Бундай вазиятлар қандай ҳужжатлар билан тартибга солинган?

– Уй эгасига иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва уни тўлаш шартномасининг 2.3-бандига кўра истеъмолчи ўтган ой учун истеъмол қилинган коммунал хизматга кейинги ойнинг 10-кунига қадар ҳақ тўлаши шарт. Ҳақ тўлаш кечиккан тақдирда «Иссиқликсотиш» туман бўлимлари яшовчиларни мавжуд қарз тўғрисида хабарномалар тарқатиш йўли билан хабардор қиладилар. Фуқаро хабарнома олгандан кейин ҳақ тўланмаган тақдирда қарзни ундириш учун даъвони тайёрлаш ва фуқаролик судига топшириш бўйича иш олиб борилади.

Ҳисоблагич асбоб бўлганда яшовчилар сони бўйича ҳисоблаб ёзиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

агар ҳисоблагич асбобда пломба бўлмаса;



агар асбобнинг давлат текширувини ўтказиш зарурати тўғрисида далолатнома-кўрсатма бўлса. «Метрология тўғрисида»ги Қонуннинг (28.12.1993 йилдаги 1004-XII-сон) 7-моддасига кўра фойдаланишда бўлган ўлчов воситалари ўлчов натижаларининг қонунлаштирилган бирликларда белгилаб қўйилган аниқликда бўлишини таъминлаши ва қўллаш

*Таҳририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.



шартларига мос келиши лозим. Ҳисоблагич асбобларнинг мазкур талабларга мувофиқлиги фақат текширув натижалари бўйича белгиланиши мумкин, текширув тушунчаси юқорида кўрсатилган Қонуннинг 1-моддасида келтирилган. Шу тариқа, навбатдаги давлат текшируви муддати тугаганидан кейин асбобларнинг кўрсаткичлари ўзаро ҳисоб-китобларда ҳисобга олиниши мумкин эмас, иссиқ сув таъминоти (бундан кейин – ИСТ) бўйича ҳисоблаб ёзиш эса прописка қилинган/яшовчи кишиларнинг сони бўйича амалга оширилади;

агар ҳисоблагич асбоб носоз бўлса.

ИСТ бўйича ҳисоблаб ёзиш ишлайдиган ҳисоблагич асбобдан кўрсаткичлар охири қайд қилинган пайтдан бошлаб прописка қилинган/яшовчи кишиларнинг сони бўйича амалга оширилади. Сарфланган иссиқ сув микдорига ҳақ тўлаш ҳақ тўлаш пайтида амал қилган тариф бўйича ҳисоблагич асбобнинг кўрсаткичларига кўра амалга оширилади.

? **Квартирасида ҳисоблагич ўрнатилган истеъмолчи 2 ой мобайнида «Тошиссиққуввати» хизматларига ҳақ тўлай олмади. Кейинчалик у касса орқали ушбу даврда сарфланган иссиқ сув ҳажми бўйича қарзини тўлади. Бир ҳафтадан кейин унинг олдида инспектор келиб, қарз тўғрисидаги хабарномани келтиради. Ўзининг журналига охири квитанция асосида тўлов тўғрисидаги маълумотларни киритиш ўрнига у вазиятни аниқлаш учун «Тошиссиққуввати» ИЧБ УКнинг туман бўлимига боришни таклиф қилди. Унинг бу иши тўғрими?**

– Тўлов суммасининг, шунингдек ҳисоблагич асбоблар кўрсаткичларининг ҳисоби «Тошиссиққуввати» ИЧБ УКнинг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушган тўлов квитанциялари асосида амалга оширилади. Фуқаро ҳақ тўланганлиги тўғрисидаги квитанцияни тақдим этганда техник-инспектор қайтарма қайдномага қарз сўндирилганлиги тўғрисида белги қўяди. Низоли масалалар юзага келганда абонент зарур тушунтиришлар олиш учун «Иссиқликсотиш» туман бўлимига мурожаат қилиши мумкин.

? **Икки йил аввал ХУМШ турар жойдаги устунларни мукаммал таъмирлади. Яшовчилар кейинги йил мобайнида, пломбаларнинг олиб ташланганлигини сезмай, ҳисоблагичнинг кўрсаткичлари бўйича иссиқ сув учун ҳақ тўлашди. Инспекторнинг навбатдаги ташрифида сув ўлчагичлардан пломбалар олиб ташланганлиги аниқланди. «Тошиссиққуввати» олдинги кўрсаткичларга таяниб, квартирада яшовчиларнинг сонидан келиб чиқиб қайта ҳисоб-китоб қилди. Қувурлар мукам-**

мал таъмирлангандан кейин ҳисоблагичлардаги пломбани тиклаш таомили тўғрисида тушунча берсангиз. Ишларнинг бундай аҳволи учун ким жавоб беради – квартира эгасими ёки ХУМШ?

– Ҳисоблагич асбоблардан пломбаларни фақат «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК метрология хизматининг вакиллари ечиб олишлари мумкин. Ҳисоблагич асбобда пломба бўлмаган тақдирда ИСТ бўйича ҳисоблаб ёзиш ишлайдиган пломбаланган ҳисоблагич асбобнинг кўрсаткичлари охири қайд этилган пайтдан бошлаб прописка қилинган/яшовчи кишиларнинг сонига қараб амалга оширилади.

Ҳисоблагич асбобни пломбалаш учун абонент «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК туман бўлимига буюртманома бериши керак. Пломба ўрнатилгандан кейин абонентнинг қўлига далолатнома берилади, унда пломбалаш санаси ва пломбалаш пайтидаги ҳисоблагич асбоб кўрсаткичлари кўрсатилади. Юқорида кўрсатилган далолатнома тузилган пайтдан бошлаб ИСТ бўйича ҳисоблаб ёзиш ҳисоблагич асбобнинг кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади. Унда ўрнатилган пломбанинг сақланиши учун абонент жавобгар бўлади, бу ҳам пломбалаш далолатномасида қайд этилади.

? **Истеъмолчи бир неча йилдан бери тўловларни ҳисоблагичнинг кўрсаткичлари бўйича уй ёнидаги банк бўлимига тўлаб келади. «Тошиссиққуввати» туман бўлимига келганда инспекторда истеъмолчи охири маротаба тўлаган ҳисоблагич кўрсаткичларининг йўқлиги маълум бўлди. Агар коммунал хизматларга тўловлар «Тошиссиққуввати» ва инспектордан ташқарида мунтазам равишда тўлаб келинса, нима учун ҳисоблагич асбоб кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмайди, ҳолбуки квитанцияларда ҳаммаси кўрсатилган? Ҳисоблагич кўрсаткичларини киритиш таомили қандай?**

– «Иссиқлик сотиш» туман бўлими техник-инспекторининг лавозим вазифаларига бириктирилган участкада ҳисоблагич асбоблардан кўрсаткичларни мунтазам олиб туриш киради. Ҳисоблагич асбоблар билан жиҳозланган квартиралар бўйича ИСТга доир ҳисоблаб ёзиш қайтарма қайднома асосида амалга оширилиб, ҳисоблагичнинг ҳақиқатдаги кўрсаткичлари кўрсатилади ёки истеъмолчи томонидан тўланган квитанцияларда қайд этилган кўрсаткичларга асосланилади.

Агар абонент ИСТ учун олдиндан ҳақ тўласа, тўлов пайтида амал қиладиган тариф олдиндан ҳақ тўланган кундан бошлаб кўпи билан 12 ойга сақланади. Шу муносабат билан 12 ой тугагандан кейин «Иссиқлик сотиш» туман бўлимининг техник-инспектори абонентда олдиндан ҳақ

тўлаш даври тугаган пайтда ҳисоблагич асбобнинг ҳақиқатдаги кўрсаткичларини қайд этиши ва ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириши керак.

Шуни таъкидлаш лозимки, «Тошиссиққуввати» ИЧБ УКга абонентлар томонидан лозим даражада тўлдирилмаган (ҳисоблагич асбобнинг олдинги кўрсаткичлари кўрсатилмаган ёки квитанцияда кўрсатилган иссиқ сув сарфи тўлов суммасига мувофиқ келмайдиган ва ҳоказо ҳоллар) квитанциялар келиб тушади, бундай ҳолларда ҳисоблагичнинг кўрсаткичлари квитанциядан киритилмайди.

? **Қанчалик ажабланарли бўлмасин, бироқ ёзда иссиқ сув сарфи анча ошадди, чунки жўмракдан оқаётган сувнинг ҳарорати тана ҳароратидан салгина юқори бўлади, бу эса меъёрий параметрларга мувофиқ эмас. Ушбу ҳолда тўлов бирор тарзда қайта ҳисоб-китоб қилинадими ёки тегишли сифатда бўлмаган коммунал маҳсулотнинг истеъмоли учун тарифлар пасайтириладими?**

– Уй (квартиралар, коттежлар, хусусий уй хўжаликлари) эгасига иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва унга ҳақ тўлаш шартномасининг 2.1-бандига кўра Етказиб берувчи («Тошиссиққуввати» ИЧБ УК) қуйидаги мажбуриятларни олади:

Истеъмолчига иситиш ва иссиқ сув таъминотида иссиқлик энергиясини иссиқ сув шаклида бериш;

Истеъмолчининг квартирани ойналаштириш, иситиш, уй ичи ва квартира ичидаги иссиқлик

таъминоти тизимининг соз бўлиши талабларига риоя этиши шарти билан квартира ичидаги ҳароратнинг камида 18°C бўлишини таъминлаш;

КМК 2.04.01-98 «Ички водопровод ва канализация»га кўра тоза, ҳарорати 50°C дан кам бўлмаган ва 75°C дан ошмайдиган иссиқ сув билан таъминлаш.

Иссиқлик таъминоти қониқарсиз бўлганда «Тошиссиққуввати» ИЧБ УКга мурожаат қилиш лозим. Жойга чиқиб «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК иссиқлик элтувчининг параметрларини ўлчайди.

Агар уй-жойга киришда иссиқлик элтувчининг ҳарорати хона ичида меъёрдаги ҳароратни ушлаб туриш учун етарли бўлса, эҳтимол, истеъмолчи томонидан квартирани ойналаштириш ва иситиш талаблари бажарилмаган бўлади ёки уй ичида ва квартира ичида иссиқлик таъминотининг носозлиги юз берган бўлади, бунда иссиқлик таъминотининг қониқарсизлиги хусусида эътирозлар ХУМШга изҳор этилиши керак. Ўз навбатида «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК вакили квартира ва умуман уйнинг иссиқлик таъминотини яхшилаш учун зарур тавсиялар бериши мумкин.

Агар иссиқлик элтувчининг параметрлари етарли бўлмаса, истеъмолчи учун шартномага мувофиқ қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб суммаси ҳароратлар тафовутига мутаносиб равишда иситиш ёки ИСТ учун ойлик ҳисоблаб ёзиш бўйича белгиланади. ○



Интернет-янгиликлар

ЭНДИ МИНТАҚАЛАРДА ҲАМ ОН-ЛАЙН ШИКОЯТ ҚИЛИШ МУМКИН

Эндиликда e-kommunal.uz портали орқали давлат органларига нафақат тошкентликлар, балки республика минтақаларининг аҳолиси ҳам расмий мурожаат беришлари мумкин.

Ҳозирги вақтда Андижон, Сирдарё, Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Наманган вилоятлари ҳокимликлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши аҳолининг илтимос ва шикоятларини қабул қилиб олишга тайёрлар. Ишлаб чиқувчиларнинг хабар қилишларича, ҳозирда қолган минтақаларни улаш ишлари олиб бориляпти.

Давлат органларининг вакилларига портал орқали мурожаат қилиш учун аввал рўйхатдан ўтиш лозим. Бунда, шаклнинг тегишли майдонларини тўлдирганда ўз минтақасини кўрсатиш лозим. Барча мурожаатлар «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга¹ мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда кўриб чиқилади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 9.04.2013 йилдаги «Фуқароларнинг ўзини

ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан пойтахт ҳокимининг биринчи ўринбосари ва туман ҳокимликларига муаммоли масалаларни ва аҳолининг **e-kommunal.uz** порталига келиб тушган мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар кўришни тезлаштириш топширилди. Ушбу саволлар, уларнинг ижроси устидан назорат таҳлил қилиниши ва қилинган ишлар тўғрисидаги ахборот халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига тақдим этилиши керак. Худди шундай тартиб Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларида ҳам ўрнатилади, деб тахмин қилишга асос бор. ○

Интернет тармоғи материалларидан.

¹ 16.05.1994 йилдаги 1064-XII-сон, 13.12.2002 йилдаги 446-II-сон Қонун таҳририда.

Бундан ташқари, циркуляция линияси ишлайдиган ёз фаслида, зеро тизим бир қувурда ишлайди, иссиқ сувнинг туриб қолиши юз беради.

Шу муносабат билан «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК «Тошиссиқликэлектрлойиха» ОАЖга иситишлар ўртасидаги даврда сувнинг туриб қолиши ҳисоб-китобини белгилаш мақсадида мурожаат қилди.

«Тошиссиқликэлектрлойиха» ОАЖ амалга оширган ҳисоб-китоблар (6.08.2004 йилдаги 1870/02-285-сон) асосида квартира ичида иссиқ сувни ҳисоблагич асбоблар билан жиҳозланган уй-жойлар бўйича ИСТ учун тўлов ҳисоблаб ёзилганда 2004 йил 6 августдан бугунги кунгача, «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК бош директорининг 30.11.2004 йилдаги 132-сон буйруғига кўра, иситишлар ўртасидаги даврда истеъмол қилинган харажатнинг 6%и миқдорида иссиқ сувнинг совиб қолиш коэффициенти қўлланади.



4 қаватли уйнинг охири қаватида яшовчи фуқаро иссиқ сув жўмрагидан

қум аралаш сув оқимидан шикоят қилади. Сув фойдаланишга яроқли бўлиши учун уни тўкиб ташлашга тўғри келади. Холбуки сувнинг бефойда оқизилиши сарф сифатида ҳисобга олинади, чунки ҳисоблагич ўрнатилган. Носозликни қандай қилиб бартараф этса бўлади ва у аниқланган давр учун қайта ҳисоб-китоб қилиш мумкинми?

– Истеъмолчиларга бериладиган иссиқ сувдаги турли аралашмаларнинг пайдо бўлиш сабаблари турлича бўлиши мумкин. Бу масалани хусусий тартибда, «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК ва ХУМШ вакиллари жалб этган ҳолда ҳал қилиб, тегишли далолатнома тузиш лозим.

Шуни қайд этиш лозимки, иситишлар орасидаги даврда ИСТ учун ҳисоблаб ёзишда 2004 йил августдан бошлаб бугунга қадар иссиқ сув совиб қолишининг истеъмол қилинган сарфининг 6%ига тенг бўлган ўртача кўрсаткичи қўлланади. ○

**Мухбиримиз
Ольга КИРЬЯКОВА
тайёрлади.**

Бизга ёзган эдингиз

ТўЛАМАСЛИК ҲУҚУҚИ



Мен пенсионерман, бироқ мендан мол-мулк (квартира) солиғини тўлашни талаб қилиш-япти. Ахир мен уйга ижарачиларни қўймаганман ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайман! Шу талаб тўғрими?

**Т.Сидоренко.
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани.**

– Пенсионер эгалигида бўлган мол-мулкка қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ҳажми доирасида, хусусан 60 кв.м ҳажмида жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ солинмайди¹.

Ушбу имтиёз квартира мулкдорига пенсия гувоҳномаси асосида берилади ва унинг танлови бўйича фақат битта квартирага (уйга) татбиқ этилади.

Жисмоний шахслар томонидан қуйидаги мақсадларда фойдаланиладиган кўчмас

мулкка нисбатан бу имтиёз қўлланилмайди: тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда;

уларни юридик шахсларга ёки яқка тартибдаги тадбиркорларга ижарага берилганда.

Ўз квартираси (уйи)дан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланадиган ёки уларни юридик шахс ёхуд яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага берадиган жисмоний шахслар, шунингдек нотуражойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғини юридик шахслар учун

белгиланган ставкада тўлайдилар.

Шу тариқа, агар сизда мазкур квартира битта бўлса, унинг майдони 60 квадрат метрдан ошмаса ва сиз ундан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланмасангиз ва ташкилот, корхона ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага бѳрмасангиз, ушбу квартира бўйича мол-мулк солиғи тўланмайди. Агар квартирангиз майдони, мисол учун, 70 кв.м бўлса, сиз 10 кв.м учун солиқ тўлашингиз лозим. ○

**Ленара ХИКМАТОВА,
юрист.**

¹Солиқ кодексининг 275-моддаси; Президентнинг 25.12.2012 йилдаги ПҚ-1887-сон қарорига 18-илова.

МАШИНА БИЛАН БОҒЛИК МАШМАШАЛАР

? Мен кўп қаватли уйда яшайман. Биринчи қаватда яшовчилардан бири доимо ўзининг машинасини йўлак олдига қўяди, шу ерда ювади, таъмирлайди, бу билан у қолган фуқароларга ноқулайликлар туғдиради, чунки баъзан йўлакка кириш ҳам мушкул бўлиб қолади. Тунда эса у машинани ўзининг деразаси олдига қўяди. Наҳотки мазкур қўшнимнинг ҳаракатлари қонуний бўлса?

Е.Николаева.

Тошкенти шаҳри, Юнусобод тумани.

– Ер кодексининг 63-моддасига кўра кўп квартирали уйлар атрофидаги ер участкалари мазкур уйлар бошқарувини амалга оширувчи ташкилотларга доимий фойдаланиш учун берилади. Уйлар атрофидаги ҳудудга уй-жойга туташган умумий фойдаланишдаги ерлар киради.

Уйлар атрофидаги ҳудудда автомобиллар ва бошқа транспорт воситаларини ювиш, бензин ва мой тўкиш, сигналлар, тормоз, двигателни созлаш тақиқланади (Турар жойларни ва уй атрофидаги ерларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг 30-банди (ВМнинг 28.06.1994 йилдаги 325-сон қарорига 3-илова).

Ижарага берувчи, ижарага қўювчи ва уй-жойнинг эгаси уй атрофидаги ерларни тегишли санитария тартибида сақлашлари шарт.

Ушбу вазиятда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг позицияси ва ҳаракатсизлиги маса-

ласи ҳам юзага келади. Агар фақат инсоний мулоҳазадан келиб чиқсак: ҳеч ким автомобиль чиқараётган зарарли газларни ҳидлашни, ярим кечаси ишлаб кетган сигналларни эшитишни ва йўлакка туртиниб-суртиниб кириб олишни хоҳламайди. Шу сабабли барча автомобилчиларга маслаҳат берамиз – ўз «темир отларингиз»ни уй-жойлар деразалари тагига қўйманг ва қўшнилари билан муносабатларингизга гард юқтирманг. ○



ДЕРАЗАМНИНГ ТАГИДА БИР ТЎП... ЁКИ УЙ АТРОФИДА ХУСУСИЙ ЧОРБОҒ

? Уйда яшовчилардан бири уй атрофидаги ҳудудда жойлашган участкани ихоталаб олди. Менинг ва бошқа қўшнилариимнинг ер участкасини ноқонуний тарзда эгаллаб олганлиги тўғрисидаги сўзларимизга: у биринчи қаватда яшаши, ер майдони ҳам унинг деразаси остидалиги сабабли бу ерда хоҳлаган нарсасини қуриши ёки экиши мумкинлигини, нимани хоҳласа шуни қила олишини айтди. У ҳақлими?

З.Абдуллаев,
Фарғона вилояти.

– Одатда, умумий ер участкаси ва ободонлаштириш элементларига эга бўлган битта ёки бир нечта ёнма-ён жойлашган уйларнинг мулкдорлари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати (ХУМШ)га бирлашадилар. Бундай бирлашишдан мақсад – уй-жой фонди-

ни биргаликда бошқариш ва уни сақлаб туриш, таъмирлашни таъминлаш, кўп квартирали уйда турар жой мулкдорларининг умумий мол-мулкидан фойдаланиш.


Қонунга кўра ер участкалари ширкатга белгиланган тартибда доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан берилади.

Шу сабабли мазкур уй-жойга туташган умумий фойдаланишдаги ер кирадиган уй атрофидаги ҳудуд алоҳида фуқаронинг мулки бўла олмайди. У фойдаланиш ҳуқуқи билан ширкатнинг барча аъзоларига тегишлидир.

Турар жойларни ва уй атрофидаги ерларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг (ВМнинг 28.06.1994 йилдаги 325-сон қарорига 3-илова) 30-бандига кўра **уй атрофидаги ерларни ҳар хил ғовлар билан ўраб олиш, полиз экинлари экиш, боғ яратиш тақиқланади.**

ХУМШингиз эътиборини дарҳол қўшнингиз ер участкасидан ўзбошимчалик билан фойдаланганлиги далилига қаратишингизни маслаҳат берамиз. ○

Ахтам ҲИКМАТОВ,
адвокат.



ШИРКАТНИ ПРОКУРАТУРА ТЕКШИРАДИ

Навоий вилоятида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари юзага келган 2006 йилдан буён биринчи маротаба улар прокурор текширувига дуч келишди. Идора ходимлари жойларда ХУМШ фаолиятини такомиллаштириш ва ҳудуднинг санитария ҳолатини текшириш бўйича назорат тадбирларини ўтказдилар.

Минтақада 38 ХУМШ мавжуд бўлиб, улар 282 уй ва 270 коттежни бирлаштиради. Ширкатларнинг кўпчилиги – 28 таси вилоят марказида жойлашган. Уларга 5 бошқарувчи компания коммунал хизматлар кўрсатади.

Кизилтепа туманида кўп қаватли 63 уйга 2 ХУМШ хизмат кўрсатади. Ширкатларга ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда, коммунал хизматлар учун қарзларни ундиришда амалий ёрдам кўрсатиш учун уларга ТИФ МБ, Микрокредитбанк, Агробанк ва Халқ банкининг маҳаллий бўлинмалари бириктирилган. Ширкатлар фаолият юритган даврда уларнинг ҳудудларида 3 та болалар спорт майдончаси қурилди. Осиё тараққиёт банкининг ипотека кредити маблағларига А.Қодирий, Ўзбекистон ва Мустақиллик кўчаларидан ўтадиган, 3 километрга чўзилган тоза ичимлик сувининг водопро-



вод тармоқлари реконструкция қилинди. «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғинининг Тошкент кўчасида ноқонуний иморатлар бузилди, еттита кўп квартирали уйнинг чордоқлари реконструкция қилинди.

Конимех туманининг «Конимех-Гулбахор» ХУМШ ҳудудида У.Юсупов, Қорабоев, Ш.Рашидов кўчаларидаги кўп квартирали уйлар ёнида жойлашган но-

қонуний иморатлар бузилди, уйларнинг олд томонлари оқланди, 150 та манзарали дарахт ўтқазилди.

Томди туманининг «Янги Томди» ХУМШда ширкатнинг ўз маблағлари ва маҳаллий тадбиркорларнинг ҳомийлик ёрдами ҳисобига 4 та икки қаватли уй тўлиқ таъмирланди.

Текширувлар давомида прокуратура баъзи ширкатларнинг масъул шахслари уй-жойларнинг йўлаклари, ертўлаларидаги санитария ҳолати ва ёнғин хавфсизлигига етарлича эътибор бермаётганлигини аниқлади. Ободонлик бўйича ишлар етарли даражада олиб борилмаяпти. Хусусан, **Кармана туманидаги** «Кармана сув тўғони» ХУМШнинг 14 уйи кўпчилигида ертўлаларда таъмирлаш ишлари бажарилмаган, йўлақларда ёритиш асбоблари ўрнатилмаган, ахлат йиғиш майдончалари ташкил этилмаган, бунинг натижасида аҳоли маиший чиқиндиларни дренаж ариғига ташлаяпти. Ана шу тартиббузарликлар учун ХУМШ раиси маъмурий жавобгарликка тортилди.

Прокуратура органлари ширкатларнинг айрим мансабдор шахслари истеъмолчиларнинг коммунал хизматларга келиб тушган пул маблағларини талон-торож қилишлари ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланмасликлари далилларини ҳам аниқладилар. Масалан, ширкатлардан бирининг раиси ва бош бухгалтери 2010–2012 йиллар мобайнида турли ташкилотларга гўё бажарилган таъмирлаш ишлари учун 35 млн сўмдан кўпроқ маблағни ўтказганлар. Ушбу далил бўйича жиноят иши қўзғатилди. ○

Амир МАХМУДОВ,
ўз мухбиримиз.
Навоий шаҳри.



Интернет-янгиликлар

ОНЛАЙН-ТЎЛОВЛАР: ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ!

«Ўзбектелеком» аҳоли учун Интернет ва компания сайтлари орқали ўз хизматлари учун онлайн тўловини жорий этди, бунда сўмдаги онлайн пластик карталаридан фойдаланилади.

Онлайн-карталарнинг эгалари уйдан чиқмасдан туриб, ўз картасидан «уй» телефони ва мобил телефонлар, Интернет ва IPTV хизматларига ҳақ тўлашлари мумкин.

Интернет орқали тўловни амалга ошириш учун Uzkart-EMV картаси эгаси SMS-хабардор қилиш хизматини мобил телефонга улаши керак. Бу инфо-киоск, банкомат ёки эмитент банк орқали қилинади. Бундан ташқари, uzkart.uz сайтидаги шахсий кабинетда рўйхатдан ўтиш лозим.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг сайтида маълум қилинишича, он-лайн режимида тўлаш қулай, вақт ҳамда абонентлар маблағларини тежайди, чунки тўловларни амалга ошириш чоғида воситачилик ҳақи олинмайди.

Хизмат 1 июлда ишга туширилди. Ушбу муддат ичида 150 дан ортиқ транзакция амалга оширилди ва ушбу тизим бўйича тўловлар сони ўсмоқда. ○

ccitt.uz сайти хабаридан.



ЎЗБОШИМЧАЛИК УЧУН ТЎЛИҚ ЖАВОБ БЕРАСИЗ!



Бизнинг ХУМШда тарқалган хабарларга кўра, уйимиздаги квартиралардан бирининг эгаси бўлган аёл тегишли рухсатнома олмасдан квартирани ўзбошимчалик билан қайта режалаштирган. Биз уни қандай қилиб ўз квартирасини дастлабки ҳолатга келтиришга мажбур қила оламиз?

**Д.Баранова, Т.Бухаров, М.Хегай ва бошқалар.
Яккасарой тумани.**

– Сиз фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилишингиз керак. Ушбу ҳолда сизнинг масалангизни фақат суд ҳал қилиши мумкин.

Қуйида ўхшаш вазият бўйича амалиётдан мисол келтираман, у, балки сизга қандай ҳаракатлар қилиш лозимлигини тушунишда ёрдам берар.

ХУМШ судга жавобгар Э. устидан унинг мулкида бўлган уй-жойнинг қайта жиҳозланган ва реконструкция қилинган квартираларни, лойиҳа-смета ҳужжатларига кўра, дастлабки ҳолатга келтириш, йўлакнинг иситиш ва газ тизимини белгиланган меъёрлар ҳамда қоидаларга мувофиқ ҳолатга қайтариш тўғрисида даъво билан мурожаат қилди.

Бундан ташқари, жавобгар Э.га нисбатан бир қават пастда яшайдиган, деворлари дарз кетган квартиранинг эгаси даъвогар Н. унинг квартира хоналарини аввалги ҳолатга келтириш тўғрисида алоҳида даъво билан мурожаат қилди.

Суднинг ажрими билан фуқаролик ишлари битта иш юритишга бирлаштирилди.

Суднинг аниқлашича, жавобгар Э. бир йўлакда жойлашган 8 ва 9-сон квартираларни сотиб олгач, уларни қайта режалаштирган. Жавобгарнинг тушунтиришича, квартираларнинг бирида у деворларни олиб ташлаган, лоджиядаги полни ғиштдан қилган, газ плитасини балкон-лоджияга олиб чиққан, ванна, ҳожатхона ва ошхонани йўқ қилган. Бошқа квартирада ҳожатхонани ванна билан бирлаштирган (буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда бутун уй бўйича коммуникациялар тармоғининг пароканда бўлишига олиб келган).

Туман ҳокимлигидан олинган жавобга кўра фуқаро Э. ўзининг квартираларини қайта режалаштириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилмаган. Коммунал хизматлар етказиб берувчилари: газ хизмати, «Тошшаҳар ЭТК» ОАЖ, «Тошиссиққуввати» ИЧБ УКга худди шундай сўровлар юборилди. Уларнинг жавобларидан маълум бўлишича, фуқаро Э. квартираларнинг муҳандислик тармоқларини қайта қуриш масаласи бўйича мурожаат қилмаган ва, тегишинча, бунга рухсатнома олмаган. Бунинг устига, туман газчилари фуқаро Э.нинг йўлакдаги газ тизи-

мига ноқонуний уланганлиги тўғрисида далолатнома туздилар. Квартирага олиб борувчи газ

ҲУЖЖАТ ТИЛИ БИЛАН

Ўзбекистон Республикасида аҳолига коммунал хизматлар тақдим этиш қоидаларининг¹ 3.3-бандига кўра **истеъмолчининг** қуйидагиларни амалга ошириши **тақиқланади**:

ижрочининг рухсатисиз ички муҳандислик тармоқларини қайта жиҳозлаш;

мавжуд тармоққа ўзбошимчалик билан уланиш ёки босимни оширадиган насос станциялари ва бошқа ускуналарни ўрнатиш;

кўрсатиладиган хизматларнинг ҳисоблагич асбобларига қўл уриш;

ижрочининг ёзма рухсатисиз техник паспортлари бўлмаган ва сотишга рухсат берилмаган электр ускуналари, газ асбоблари, иситиш асбобларининг қўшимча секциялари, созловчи ва қулфлаш аппаратурасини ўрнатиш, улаш;

техник паспортлари (гувоҳномалари) бўлмаган, фойдаланишнинг техника хавфсизлиги талаблари ва санитария-гигиеник меъёрларга жавоб бермайдиган сувни тозалашнинг индивидуал асбобларини улаш;

хизматларни ҳисобга олишнинг мавжуд чизмаларини бузиш;

иссиқлик элтувчидан иситиш тизимларида тўғридан-тўғри мақсадда фойдаланмаслик (сувни иситиш тизими ва асбобларидан оқизиш).

ШНК 1.04.05-06 «Кўп квартирали уйларда бинонинг мустақамлиги хавфсизлигини таъминлаган ҳолда жойларни реконструкция қилиш, қайта режалаштириш ва қайта жиҳозлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом»нинг 16-бандига мувофиқ қуйидагиларга **йўл қўйилмайди**:

марказий иситиш тизими устунларининг лойиҳадаги ҳолатини ўзгартирган ҳолда лоджияларни иситишни амалга ошириш;

яшаш хоналарига киришни тўғридан-тўғри кўчадан ёки зина хонасидан қилиш;

уйдаги умумий муҳандислик тармоқлари (сув, газ, иссиқлик, электр таъминоти ва алоқа) техник тавсифларини йўқ қилиш ёки бузиш билан боғлиқ қайта қуришлар.

¹Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 20.02.1999 йилда 648-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

кувурини бир неча марта қирқишган, бироқ у яна ўзбошимчалик билан газ таъминотига ула-ниб олган, бу хусусда туман прокуратурасига хабар юборилган эди. Шунингдек туман уй-жой бинолари ва иншоотлар кадастри хизмати (собиқ техник инвентаризациялаш бюроси) Э. квартираларни қайта режалаштиришга рухсатнома олиш учун мурожаат қилганлиги тўғрисида бирор-бир маълумотларга эга эмаслигини айтди.

Суднинг сайёр мажлисида иштирок этган кадастр хизмати ходимлари жавобгарнинг квартираларида қайта режалаштириш амалга оширилганлигини тасдиқладилар ва судга хатда у қандайлигини кўрсатдилар.

Квартираларда коммуникация тармоқларини ўзбошимчалик билан бузиш далили, хусусан газ устунлари, ювиниш хонаси, иссиқ ва совуқ сув таъминоти, канализация устунларини кўчириш ва демонтаж қилиш 8, 9-сон квартираларнинг режалари ҳамда уйнинг бош режаси, шунингдек жавобгарнинг тушунтиришлари билан тасдиқланди. Уй йўлагидagi иситиш ва газ таъминоти тизимини тегишли рухсатномаларсиз реконструкция қилиш далилини «Тошуйжойлойиха» ОАЖнинг техник ҳисоботи ва туман газ хизматининг расмий жавоби тасдиқлади.

Суд суднинг қурилиш-техник экспертизасини тайинлади. Бироқ квартирага кира олмаганлиги учун экспертнинг жавобгар квартираларини кўздан кечириши амалга ошмади.

Уй-жой кодекси 24-моддасининг бешинчи қисмига кўра кўп квартирали уйдаги квартира мулкдори маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан тегишли рухсатнома олмасдан ўзига қарашли жойни ўзгартирган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади ҳамда бу жойни ўз ҳисобидан аввалги ҳолатига келтириши шарт.

Суд ХУМШ, шунингдек фуқаро Н.нинг жавобгар Э.га нисбатан даъво талабларини қондириш тўғрисида қарор чиқарди. Жавобгар зиммасига – 8 ва 9-сон квартиралар ҳолатини уйнинг бош режасига мувофиқ дастлабки ҳолатига келтириш, шунингдек муҳандислик, газ, иситиш, сув таъминоти ва канализация тармоқларининг аввалги ҳолатини тиклаш, уй йўлагининг иситиш ва газ тизимини тиклаш юкланди. Жавобгар зиммасига бу билан боғлиқ барча харажатларни, шунингдек даъвогар Н.га етказилган зарарни тўлаш юкланди. ○

Ахтам ҲИКМАТОВ,
адвокат.

БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯНИ ТАНЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Бошқарувчи компанияни танлашда нималарга эътибор бериш керак? Ширкат ёки уй-жой мулкдорлари ишонч билан: «Ҳа, айнан у бизга тўғри келади» дея олишлари ва бунда хато қилмасликлари учун унинг ишини баҳолаш мезонлари қандай бўлиши керак?

1. БКнинг уй-жойларга хизмат кўрсатиш соҳаси бозоридаги иш тажрибаси тўғрисидаги ахборотни излашдан бошланг.

2. БКнинг обрў-нуфузи тўғрисида маълумотлар тўпланг (бошқа мижозларнинг унинг ўзи, бажарган ишлари сифати, шартнома мажбуриятларини бажариши ва ҳоказолар тўғрисидаги фикрлари).

3. БК ишида эришган натижалар қандай уйларга хизмат кўрсатиши билан қизиқинг. Яшовчилар билан учрашиш ва уларнинг ушбу бошқарувчи компания тўғрисидаги фикрларини тинглашдан эринманг. Улар фаолияти натижаларини ўз кўзингиз билан кўринг.

4. Унинг моддий-техника базаси ёки ихтисослашган ташкилотлар ва мутахассислар билан алоқаси бор-йўқлигини аниқланг.

5. БК ишлар сифатини қандай таъминлаши билан қизиқинг (замонавий технологиялар, ускуналар, материаллар, иш сифатини назорат қилиш тизими бор-йўқлиги).

6. Хизматлар пакетида ресурсларни тежаш, уй ичидаги муҳандислик ускуналарини модернизациялаш бўйича таклифларнинг бор-йўқлигини аниқлаштиринг.

7. БКда ХУМШ учун зарур ишларни бажара оладиган малакали мутахассислар бор-йўқлиги, уларнинг замонавий технологиялар бўйича ишларни бажариш тажрибаси билан қизиқинг.

8. БК ходимлари компания офисида мижозлар билан қандай ишлаётганлиги, хизматлар таклиф қилаётганлиги, уларнинг муаммоларини ҳал этаётганликларига эътибор қаратинг.

9. БК умумий мол-мулкни тутиб туриш ҳақини тўлаш бўйича қарздорлар билан ишлаётган-ишламаётганлигини аниқланг. Унинг бошқарувида бўлган уйларда тўловларни йиғишнинг яхшиланишига эришилганми?

10. У ХУМШ бошқаруви билан доимий ҳамкорлик, мулкдорларга шартномалар ижроси тўғрисида

ҳисоботлар тақдим этиш, ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишларида иштирок этиш амалиётига эга ёки эга эмаслигини аниқлаштиринг.

11. БК молиявий аҳволининг бар-қарорлиги билан қизиқинг: у тўловга қобилми, унда коммунал хизматларни етказиб берувчилар, солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзлар, банкротлик аломатлари борми?

12. БКдан нафақат у таклиф қилаётган хизматларнинг умумий нархи, балки ишлар ва хизматлар ҳар бир турининг нархлари ҳам кўрсатилган ишлар ва хизматларнинг кенгайтирилган рўйхатини талаб қилинг. Бу бир нечта компаниянинг нархларини таққослаш, эҳтимолий вариантларни ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишида муҳокама қилиш ва танлаш имкониятини беради. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун БКни танлов асосида танлаб олишни назарда тутди. Танловни ўтказиш ХУМШ бошқаруви ваколат доирасига киради (Қонуннинг 25-моддаси). Бундай ёндашув ишлар сифати ва таклиф қилинаётган нархларга қараб энг мақбул хизмат кўрсатувчи ташкилотни танлаш имконини беради. ○

ИШОНИНГ, ЛЕКИН ТЕКШИРИНГ

Мен акциядорлик жамиятининг озроқ миқдордаги акциялари эгасиман. Кейинги вақтда бош директор акциядорлар умумий йиғилишини хабардор қилмасдан ва унинг ижозатисиз, ўзи манфаатдор бўлган йирик битимларни жамият номидан тузаяпти деб шубҳаланяпман.

Жамият раҳбариятидан мени қизиқтираётган давр учун акциядорлик жамияти тузган барча битимлар бўйича шартномаларни сўраб олишим мумкинми?

Жамиятнинг ижрочи органи акциядорнинг биринчи талабига кўра яна қандай ҳужжатларни тақдим этиши шарт?

— Фуқаролик кодекси (ФК) 366-моддаси тўртинчи қисмининг ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун (26.04.1996 йилдаги 223-I-сон, бундан кейин — АЖ тўғрисидаги Қонун) 86-моддаси еттинчи қисмининг маъносидан келиб чиқилганда, акциядорлик жамияти томонидан тузиладиган шартномалар улар ижрочи орган томонидан имзолангандан (тасдиқлангандан) кейин жамият учун юридик кучга эга бўлади. Айтилганларга, шунингдек АЖ тўғрисидаги Қонун 106-моддасининг тўртинчи хатбошиси ва 107-моддасига амал қилинганда, **ҳар қандай акциядор (унга тегишли акцияларнинг миқдоридан қатъи назар) жамият раҳбариятидан жамият номидан тузилган ва, тегишинча, жамият ижрочи органи томонидан тасдиқланган барча шартномаларни сўраб олишга ҳақлидир.**

Бундан ташқари, АЖ тўғрисидаги Қонун 27-моддаси биринчи қисмининг еттинчи хатбошиси, 71-моддаси биринчи қисмининг еттинчи хатбошисига кўра ҳамда унинг 107-моддаси маъносидан келиб чиқилганда жамият акциядорнинг талабига кўра қуйидаги ҳужжатларда мавжуд бўлган ахборот билан акциядорни таништиришга имконият яратиб бериши шарт:

жамиятнинг уставиди, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчаларда;


жамиятни тузиш чоғида тузиладиган ҳамкорликдаги фаолият тўғрисидаги шартномада (агар у мавжуд бўлса); жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада;

жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларда. Уларга мол-мулкни эгалikka харид қилиш шартномалари, ижарага олиш (шу жумладан молиявий), текинга фойдаланиш, ҳадя шартномалари, кўчмас мулкни харид қилиш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари ва ҳоказоларни киритиш керак;

акциядорлар умумий йиғилиши ва жамиятни бошқаришнинг бошқа органлари тасдиқлайдиган ҳужжатларда. Мисол учун, ходимлар билан меҳнат шартномалари,

бошқарув аъзолари (директор) билан меҳнат шартномаси, директорнинг (бошқарув раиси, бошқарув аъзоларининг) буйруқлари, жамиятнинг штат рўйхати, жамиятнинг бошқа локал ҳужжатлари, йиллик бизнес режаси, резерв ва бошқа фондлардан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар, шунингдек акциядорлар умумий йиғилиши, жамият кузатув кенгаши ёки унинг (жамиятнинг раҳбари (бошқарув аъзолари) иродасини ифодалайдиган бошқа ҳужжатлар ана шундай ҳужжатлар бўлиши мумкин;

жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомида;




йиллик молия ҳисоботида;

акциялар эмиссияси маълумотномасида;

эмитентнинг молия ҳужжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳужжатларда;

молия ҳисоботлари ҳужжатларида. Акциядор унга бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, ўз капитали тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек уларга изоҳлар, ҳисобкитоблар ва тушунтиришлар тақдим этилишини талаб қилишга ҳақли;



акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси мажлисларининг баённомаларида;

жамият аффилланган шахсларининг уларга қарашли акциялар сони ва турларини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхатларида;

марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан олинган жамиятлар акциядорлари реестрларида;

тафтиш комиссиясининг, давлат молия назорати органларининг, шунингдек аудиторнинг ҳулосаларида. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги

батан жарима санкцияларини қўллашга олиб келган жамият директори, кузатув кенгаши ёки тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатларини муддатдан аввал бекор қилиш масаласи қўйилган бўлса, акциядорлар текширувларнинг тегишли далолатномалари, суднинг ҳал қилув қарорлари ёки ушбу шахслар томонидан жамият лозим даражада бошқарилганлигидан гувоҳлик берувчи бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли;

жамият уставиди, жамият бошқарув органларининг қарорларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларда.

Меҳнат кодекси 208-моддасининг маъносидан келиб чиқилганда бундай ҳужжатлар тоифасига жамиятдаги меҳнат низолари бўйича суднинг ҳал қилув қарорларини ҳам киритиш мумкин.

Фикримизча, юқорида кўрсатилган ахборотни акциядор жамиятнинг фаолиятига жорий раҳбарликни амалга оширувчи шахсдан, яъни директор ёки бошқарув раисидан сўраб олишга ҳақли. Ушбу мақсадда унинг номига акциядор ўзини қизиқтирувчи ҳужжатлар рўйхатини кўрсатган ҳолда ёзма сўров бериши мақсадга мувофиқдир. Зарурат бўлганда (бунди, дарвоқе, акциядорнинг ўзи белгилайди) жамият раҳбари кўрсатилган ҳужжатлардан нусха олишга фармойиш бериши шарт. Бунинг учун ҳақ миқдорини жамиятнинг ўзи белгилайди, бироқ у ҳужжатларнинг нусхаларини тайёрлашга кетадиган харажатлар қийматидан ва ҳужжатларни почта орқали жўнатиш харажатларидан ортиб кетмаслиги керак (АЖ тўғрисидаги Қонун 107-моддасининг иккинчи қисми).

**Екатерина АДЕЕВА,
«BAKER TILLY
Tashkent» МЧЖ
юрисконсулти.**

РЕКЛАМА

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти

26.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
ЎЗР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

**Ўзбекистон
Республикасидаги
барча ҳужжалик юритувчи
субъектларда аудиторлик
текширувлари ўтказиш**

**Малака сертификатли
аудиторларни ишга қабул
қиламиз**

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш
Тел. (+99890) 187-04-68, (+99894) 644-62-23,
296-55-78; факс (8371) 296-52-15

ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари.
Кадастр*
Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.

Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Лазерли принтерларни тўлдириш.
Мақбул нархлар. Жойига чиқиш билан. Тел. 127-15-28.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда.

Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

РЕКЛАМА



**«КИЧИК КОРХОНА
ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»**

Ўзбек тилида қўлланмасини тақдим этамиз

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1, 6-қават.
Тел. (998 71) 283-23-74. E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

Мен эрим билан фуқаролик никоҳида яшаган эдим. Бироқ бир йил яшагандан кейин ажрашдик. 7 ойдан кейин эса ундан болам туғилди. Бироқ у болани ўзиники деб тан олмаяпти. Оталикни қандай қилиб белгилатишим мумкин?

А.П.

Фаргона шахри.

ГЎДАКНИНГ ОТАСИ КИМ?

– Ушбу ҳолда оталикни белгилашда фақат суд ёрдам беради. Сиз фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилишингиз керак.

Умумий қоидага кўра даъво аризалари жавобгар доимий яшайдиган ёки доимо банд бўладиган жойдаги судга тақдим этилади. Бироқ оталикни белгилаш тўғрисидаги даъволар даъвогар яшайдиган жойдаги судга ҳам берилиши мумкин.

Тўлиқ оидинлик киритиш учун амалиётимдан ўхшаш вазиятни мисол сифатида келтираман.

Даъвогар аёл Н. фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга оталикни белгилаш тўғрисида жавобгар А.га нисбатан даъво билан мурожаат қилди. Аризада у А. унинг вояга етмаган қизининг отаси эканлигини кўрсатди. У билан Н. бир ярим йил аввал танишган ва шу давр ичида улар бирга яшаган. Бироқ А. унинг фарзанд кутаётганлигини билгач, уларнинг муносабатлари ёмонлашган. Кейин эса А. ундан ўзини бутунлай олиб қоча бошлаган.

Жавобгар даъво билан олмади, судга ўзининг ота бўлганлигидан шубҳаланаётганлигини тушунтириб, суддан ДНК экспертизасини тайинлашни илтимос қилди. Суд даъвогар аёл билан жавобгар амалда никоҳ муносабатларида бўлишганлигини, натижада уларнинг қизи туғилганлигини аниқлади.

Оила кодексининг (ОК) 62-моддасига мувофиқ ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси

ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, ОКнинг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда **оталик суд тартибида белгиланиши мумкин**. Судга ариза билан ота-онадан бири ёки боланинг васийси (ҳомийси) ёхуд бола кимнинг қарамоғида бўлса, шу шахс, шунингдек бола вояга етганидан кейин унинг ўзи судга мурожаат қилиши мумкин.

Оталикни белгилаётганда суд қуйидаги **шартларни** эътиборга олади:

- боланинг онаси бола туғилишига қадар жавобгар билан бирга яшаганлиги ва умумий рўзғор юритганлиги;

- улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганликлари;

- жавобгарнинг оталикни тан олганлигини аниқ тасдиқловчи бошқа шартлар.

Даъво ижобий ҳал этиш учун иш бўйича ана шу шартлардан бирини белгилаш кифоя қилади.

Жавобгарнинг боланинг онаси билан биргаликда яшаганлиги ва умумий рўзғор юритганлиги оилавий муносабатларга хос бўлган ҳолатлар (ҳомила пайдо бўлган вақтда ва бола туғилгунга қадар битта турар жойда яшаш, умумий бюджет юритиш, биргаликда овқатланиш, ўзаро ғамхўрлик, умумий фойдаланиш учун мол-мулк сотиб олиш ва ҳоказолар) мавжудлиги билан тасдиқланади. Бола туғилгунга қадар тарафлар ўртасида бундай муносабатларнинг тугатилиши, ўз-ўзидан, оталикни белгилаш тўғрисидаги даъво билан рад этиш учун асос бўлиб хизмат

қилмайди, улар ҳомиладорлик бошлангунга қадар тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

Олий суд Пленумининг «Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида» қарори (25.11.2011 йилдаги 8-сон) 14-бандига кўра зарур ҳолларда боланинг келиб чиқишини (масалан, ҳомила пайдо бўлиш вақтини, уруғлантириш қобиляти бор-йўқлигини ва ҳоказо) аниқлаш мақсадида суд, юқорида назарда тутилган шартлар мавжуд бўлганда, ўз ташаббуси ёки тарафларнинг илтимосномаси бўйича иш юзасидан суд-тиббий экспертизаси, одам ДНКсининг суд-биологик экспертизасини тайинлаши мумкин. Экспертиза хулосалари исботлаш воситаларидан бири ҳисобланади ва шу сабабли улар суд томонидан иш бўйича тўпланган бошқа далиллар мажмуи бўйича баҳоланиши лозим.

Ушбу иш бўйича ўтказилган жавобгар ДНКсининг судбиологик экспертизаси хулосасига кўра жавобгар А. туғилган боланинг биологик отаси бўлиб чиқди. Экспертиза натижалари олинганидан кейин жавобгар даъво билан олди.

Юқорида баён этилганлар асосида суд даъвогарнинг жавобгарга нисбатан оталикни белгилаш тўғрисидаги даъво аризасини қондириш ва даъвогарнинг вояга етмаган қизига нисбатан А.нинг оталигини белгилаш тўғрисида қарор қилди.

Туман ФХДё бўлимига боланинг туғилиши тўғрисидаги далолатнома ёзувига зарур ўзгартиришлар киритиб, туғилиш тўғрисида тегишли гувоҳнома беришни топширди.

Шунингдек жавобгардан даъвогар фойдасига у тўлаган ДНК экспертизаси қийматини ҳамда судга даъво аризаси топшириш чоғидаги давлат божини ундиришга қарор қилинди.

Ахтам ҲИКМАТОВ,
адвокат.

САДҚАИ ОТА...

Марҳамат қилиб айтсангиз, қандай ҳолларда отани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш мумкин ва бундай маҳрум этиш нияти аниқлаштирилади? Отанинг алимент тўлашдан бўйин товлаши муносабати билан уни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилса бўладими?

Наталья Б.

– Ота-она (улардан бири) қуйидаги ҳолларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин:

- ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, **шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа**. Бунда, қандай ифодаланишидан қатъи назар, ота-оналик бурчини мунтазам бажармаслик, ўз болалари тўғрисида ғамхўрлик қилмаслик назарда тутилади. Алимент тўламасликда ушбу ҳолат суднинг ҳукми билан тасдиқланиши мажбурий эмас. Уни тўлашдан, ўз болаларини моддий қўллаб-қувватлашдан доимо бўйин товлашга уринилишига ишонч ҳосил қилиш кифоядир;

- узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса;

- ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;

- муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка, руҳий касалликларнинг оғир шаклларига мубтало бўлган бўлса;

- ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса.

Ота-она маҳрум қилиниши мумкин бўлган ота-оналик ҳуқуқи деганда уларга бола



вояга етгунга қадар берилган уни тарбиялаш, унинг манфаатлари ҳимоячиси ва вакили бўлиш, болани бошқа шахслардан талаб қилиб олиш, уни фарзандликка олишга розилик бериш ва бошқа ҳуқуқлар тушунилади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлар болалар билан қон-қариндошлик далилига асосланган бошқа ҳуқуқлар: вояга етган болаларидан алимент олиш, болаларининг мол-мулкига меросхўр бўлиш ҳуқуқини ҳам йўқотадилар.

Оила кодексининг 80-моддасига мувофиқ ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг), прокурорнинг, шунингдек вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) даъвосига биноан кўрилади.

Ленара ХИКМАТОВА,
юрист.

ДАРВОҚЕ

ФАҚАТ РАҚАМЛАР

Барча ривожланган давлатлар битта умумий муаммага эга – улар аҳолиси таркибида кексалар кўпайиб борапти.

- АҚШда ҳар куни 4 000 фуқаро пенсияга чиқишнинг умумий ёши – 65 га тўлади. Бундан катта ёшдагилар аҳолининг 10%ини ташкил қилади.

- Италияда пенсияга чиқиш ёшини 65 га, Швецияда эса 70 га етказиш режалаштириляпти.

- Финляндияда 55 ва 65 ёшдан ошганлар учун тўлиқ бандлик режаси ишлаб чиқилган. У бундай фуқароларга турли корхоналардаги иш ўринларини кафолатлайдиган чораларни назарда тутди.

- Германия 2035 йилга бориб дунёда аҳолиси таркибида кексалар энг кўп мамлакатга айланади. Бу нарсанинг иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин. Ушбу мамлакат ҳукумати кекса ёшдаги кишилардан шу

жумладан меҳнат бозорида фаолроқ фойдаланиш лозим деб ҳисоблайди. Уларнинг кўпчилиги махсус билимларга ва кўп йиллик профессионал кўникмаларга эгалар. Бугунги кунда Германияда 55–65 ёшдаги аҳолининг 45%и ишляпти.

- Дания ва Швецияда ушбу ёшда профессионал фаолият билан аҳолининг тегишинча 60 ва 70%и шуғулланмоқда.

- Буюк Британияда эркаклар 65 ёшда, аёллар эса 60 ёшда пенсияга чиқади.

- Чехия Республикасида 2006 йилдан бошлаб пенсия ёши эркаклар учун 62 ва аёллар учун 60 ёшни ташкил этяпти. 2031 йилга бориб у 65 ёшга тенг бўлади. Бироқ икки ва ундан кўп болали аёллар пенсияга эртароқ чиқишлари мумкин бўлади.

- Болгарияда ушбу поғона анча паст: эркаклар учун 52 ва аёллар учун 47 ёш.

Хорижий матбуот материалларидан.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД КУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30

E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru

www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайдиги.

Тахририят муштарилар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга **фақат «Норма» газеталари бирлашган тахририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.**

Газета тахририят томонидан таъйинланган квазитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).

Индекс – 186 Буюртма 1093 Агару 2160. Баҳоси келишилган нархда

Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп этилди.

Газета 2013 йил 5 августда соат 19.30 да топширилди.

ISSN 2010-5223